# «4-СОНЛИ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ» АЖ нинг

2021 йил 01 январдан 31 декабргача бўлган даврдаги молиявий ва у билан боғлиқ бошқа ҳисоботлари юзасидан ўтказилган мустақил аудиторлик текшируви бўйича бухгалтерия ҳисобининг юритилиши ҳақида таҳлилий

# МАЪЛУМОТНОМА

***«4-СОНЛИ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ» АЖ***
***Раҳбариятига***
***манзил:***
***111219 Тошкент вилояти, Қибрай тумани,***
***Салар, Ташгрес кўчаси***
***Телефон:(+998 70)2305332***

*Тошкент шаҳар* *2021 йил 31 май.*

«4-СОНЛИ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ» АЖда аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикаси "Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги" қонунига асосан мажбурий аудиторлик текшируви тарзида ўтказилди.

***Аудиторлик ҳисоботини тайёрлашда асос бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар***

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги қонуни ва Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари асосида ўтказилди.

Аудиторлик текшируви жараёни ички назорат тизимини тест қилиш ва аудиторлик амалларидарини бажариш орқали аудиторлик далиллларини йиғиб олишни ўз ичига олади. Жамият рахбарияти томонидан тақдим қилинган молиявий ва у билан боғлиқ бошқа ҳисоботлари аудитор томонидан танлама усулда тестдан ўтказилади ва аудитор АЖ «FTF-LEA-AUDIT» ички стандартларига мувофиқ аниқланган аудиторлик таваккалчилиги доирасида жавобгар ҳисобланади. «Мухимлик ва аудиторлик таваккалчилиги» 9 сон АФМСида мухимлик даражасининг маълум бир чегаравий катталиги белгиланмаганлиги сабабли мухимлик даражасини аудиторнинг ўзи мустақил равишда белгилаш ҳуқуқига эга. Молиявий ва у билан боғлиқ бошқа ҳисоботлардаги маълумотларнинг мухимлик даражаси 2021 йил учун йиллик маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқарилади. Аудитор мухимлик даражасини белгилашда қўйидаги принципларга амал қилиши лозим:

- Молиявий ҳисоботлардаги умумий хатоликлар тегишли базага нисбатан 5% дан юқори бўлса муҳим, 1% дан кам бўлса муҳим бўлмаган хатолик сифатида қаралади. Аудиторлар профессионал мулохазаларига таяниб муҳимликни 1% дан 5% оралиқда баҳолайдилар.

Тегишли баъзани танлаш учун қуйидаги ҳисоб китобларга асосланилди:

| Параметрлар | қатор | 2021 йил бошига минг.сум | 2021 йил охирига минг.сум | Кўрсаткичларнинг ўртача қиймати | Мезон,% | Муҳимликни баҳоловчи қийматлар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Солиқ тўлагунга қадар фойда | 240 | *11031230.11* | *5232036.00* | *8131633.05* | *5.00* | *406581.65* |
| 2021 йил даромад суммаси | 010 | *143607878.00* | *187240296.00* | *165424087.00* | *1.00* | *1654240.87* |
| Хусусий капитал | 480 | *18277985.00* | *27141251.00* | *22709618.00* | *2.00* | *454192.36* |
| Активлар суммаси | 400 | *39138038.00* | *63522581.00* | *51330309.50* | *2.00* | *1026606.19* |

| Муҳимлик даражаси | | ***3541621.07/4=885405.27*** | | ***3541621.07*** |
|---|---|---|---|---|

Жамиятнинг молиявий ва бошқа ҳисоботларида акс эттирилган маълумотларнинг муҳимлик даражаси *885405.7* минг сумга тенг.

Аудит дастурига асосан аудит учун текширувнинг муҳим соҳалари аниқлаштирилди. Жамият молиявий ҳисоботлари миқдорий таҳлили қилинди ва баланс суммасига нисбатан муҳим қийматга эга бўлган баланс қаторлари аниқланди. Танланган баланс қаторларига нисбатан аудиторлик русум – қоидалари ўтказилди. Баланснинг бошқа қаторлари таҳлилий тадбирлар асосида текширилди. Аудиторлик хулосасини шакллантириш усун асос буладиган маълумотлар етарлилигини таъминлаш мақсадида аудиторлик далиллари тўпланди. Аудиторлик далилларини олиш учун бухгалтерия дастлабки ҳужжатлари, ҳисобот моддалари асосида ётувчи ҳисоб маълумотлари ва бошқа манбаа маълумотларидан фойдаланилди. Аудиторлик далиллари қуйидаги аудит тадбирларини қўллаш орқали олинди:

- Бир қанча бухгалтерия праводкаларининг мазмуни ва классификациясини аниқлаштириш учун бухгалтерия счетларининг жамланма ҳисоб айланмалари таҳлили;
- Бухгалтерия баланси, айланма – қолдиқ ведомости ва дастлабки ҳужжатларнинг ҳисоб регистрлари маълумотлари мослиги таҳлили;
- Бухгалтерия ҳужжатларини шакллантириш ва ҳисобнинг алоҳида маълумотлари ўзаро боғлиқлиги тахлили;
- Рахбарият буйруқлари, шартнома ва хатлар тахлили;
- Ташкилот ходимлари билан хизмат вазифалари бўйича зиммаларига юклатилган ишлар мазмунининг тушуниш даражаларини баҳолаш учун ўтказилган сўровлар;
- Молиявий ҳисоботлар ва ҳисоб регистрлари маълумотлари орасидаги ўзаро боғланишлар ва мослик таҳлили;

Ҳисоботни баён қилишда текшириш давомида аудиторлар томонидан аниқланган камчиликлар ва қонун бузилишларни тугатиш бўйича тавсиялар келтирилади.

Жамият фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, бошқарув ва ҳисобнинг амалдаги меъёрий хужжатларини эътиборга олган холда аудитор томонидан аудиторлик текширувини ўтказиш дастури тайёрланди.

Аудит ўтказиш жараёнида маълумотларнинг қуйидаги манбаларидан фойдаланилди:

- Жамиятнинг молиявий ҳисоботи;
- Бош журнал, оборот-сальдо ведомостлари, бирламчи бухгалтерия хужжатлари, корхона бўйича буйруқ ва фармойишлар;
- Ҳисоб сиёсати, мехнат жамоаси йиғилиши баённомалари, қарорлар, бошқа молиявий ва бошқа хужжатлар;
- Жамият ходимларининг маълумотлари;
- Маълумотларнинг бошқа манбалари.

Аудит қуйидаги тадбирлардан фойдаланган ҳолда танлама усулида ўтказилди:

- Қайта ҳисоб-китоб;
- Кўриб чиқиш;
- Хужжатларни текшириш;
- Оғзаки сўров ўтказиш;
- Таҳлилий тадбирлар.

***Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги***

Аудиторлик текширувининг мақсади Жамиятнинг 2021 йилги молиявий ва у билан боғлиқ бошқа ҳисоботлари тўғрисида аудитор фикрини шакллантириш ҳисобланади. Аудиторнинг фикри тақдим қилинган молиявий ва у билан боғлиқ бошқа ҳисоботлар бўйича ёзма аудиторлик хулосаси кўринишида баён қилинади. Аудитор Жамият томонидан тақдим

қилинган молиявий ва у билан боғлиқ бошқа ҳисоботлар бўйича баён қилган ўз фикри учун жавобгар ҳисобланади.

***Хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текширувига тақдим этилган молиявий ҳисобот бўйича жавобгарлиги***

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

***Аудиторлик текшируви ўтказилаётган молиявий ҳисоботлар ва у билан боғлиқ молиявий ахборотлар***

Хўжалик юритувчи субъектнинг 2021 йил 31 декабрь ҳолатидаги ва 2021 йил 1 январдан 31 декабргача бўлган давр учун қуйидаги таркибдаги молиявий ҳисоботлари аудиторлик текширувидан ўтказилди:

№ 1 шакл – “Бухгалтерия баланси”
№ 2 шакл – “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”
№ 4 шакл – “Пул окимлари тугрисида хисобот”
№ 5 шакл –“Хусусий капитал тўгрисида хисобот”.

***«4-СОНЛИ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ» АЖ тавсифи:***

«4-СОНЛИ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ» АЖ Ўз.Р. Давлат Мулк Қўмитасининг 2003 йил 12 сентябрьдаги 145к ПО сонли «4-СОНЛИ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ»ни очик акцидорлик жамиятига айлантириш тўғрисида»ги буйруғига асосан ташкил этилган.

Жамиятнинг Тошкент вилояти Қибрай тумани тадбиркорлик субьектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида 2015 йил 28 июльдаги 222/1409 сон реестр билан рўйхатга олинган уставига кўра устав капитали 1 452 080 000 (бир миллиард тўрт юз эллик икки миллион саксон минг) сўм ташкил қилган ва 1310700 дона номинал қиймати 1000 сўм бўлган оддиқ акциялар ҳамда 141380 дона, имтиёзли акциялардан ташкил топган.

Жамият уставига киритилган кейинги ўзгариш Уставга киритилган ўзгариш Давлат хизматлари агентлигида № 3207870 сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган. Янги тасдиқланган уставга асосан жамият устав капили миқдори 2 178 120 000 (икки миллиард бир юз етмиш саккиз миллион бир юз йигирма минг) сўм ташкил қилган ва 1966050 дона номинал қиймати 1000 сўм бўлган оддий акциялар ҳамда 212070 дона имтиёзли акциялардан ташкил топган.

Жамият молиявий ҳисоботлари 2014 йил 14-октябрда № 1409 сон билан рўйхатга олинган “Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш Гувоҳнома”сида берилган хос рақамлар билан расмийлаштирилади:

| | | | |
|---|---|---|---|
| ТХШ (КОПФ) | 153 | Ташкилий – ҳуқуқий шакли | Акциядорлик жамияти |
| КТУТ (ОКПО) | 00114465 | Юридик шахс коди | |
| ОКЭД | 42290 | Тармоқ коди | Бошқа инженерлик иншоатларини |
| СТИР(ИНН) | 201577810 | Солиқ тўловчининг идентификацион рақами | Кибрай ДСИ |
| МШТ(КФС) | 142 | Мулкчилик шакли | Аралаш |
| МХОБТ(СОАТО) | 1727248556 | Почта манзили | |

ОКЭД бўйича фаолият тури 42290 бошқа инженерлик иншоотларни қуриш ташкилотлар тоифасига киради.

Янги тасдиқланган уставга кўра жамият фаолиятини қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- кабель линияларини модернизация реконструкция қилиш ва қайта ўрнатиш энергия блокларини модернизация ва реконтсрукция қилиш бўйича электромонтаж ишларини амалга ошириш;
- 04 110 кв кучланишли қувват симларини ўрнатиш;
- 35 дан 500 квгача бўлган барча қувватли ускуналарни капитал таъмирлаш;
- Электр жихозларини алмаштириш ва ўрнатиш;
- Иссиқлик электр станцияларини қуриш......
- Қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган ва уставда кўрсатилмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин.

Жамият Тошкент вилояти Қибрай тумани ДСИ да рўйхатга олинган.
Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунига биноан Жамият мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Аудиторлик текширувидан ўтказилаётган даврда Жамиятда биринчи ва иккинчи даражали имзо ҳуқуқида қуйидаги шахслар ишлаган:

1. Хушназаров Холмурод Халикович. - Директор буйруққа асосан тайинланган ва ҳозирги пайтгача ишлаб келмоқда.
2. Маматов Талъат Икромович– бош бухгалтери буйруққа асосан тайинланган ва ҳозирги пайтгача ишлаб келмоқда.

Жамият 2021 йил давомида фаолияти бўйича умумўрнатилган солиқ солиш тизимида солиқлар тўловчи сифатида рўйхатда турган ва қуйидаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоблашларни амалга оширган:

- Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- Қўшилган қиймат солиғи;
- Ер солиғи;
- Мол мулк солиғи;
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- Ягона ижтимоий тўлов;
- Тўлов манбаида ушлаб қолинадиган дивиденд(фойда) солиғи;
- Жисмоний шахслардан олинадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ агенти томонидан ушлаб қолинадиган солиқлар.

## ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАН ҲИСОБ СИЁСАТИНИ

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС) № 1 “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”(МВда 26.07.1998йил № 17-07/86 сон билан тасдиқланган АВда 14.08.1998 йилда №474 сон билан рўйхатга олинган) асосан “Ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузиш учун фойдаланадиган махсус тамойилларни, конвенцияларни, тартиб ва амалий ёндашувларни ифодалайди. Янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъект танлаб олган ҳисоб сиёсатини ушбу бандга мувофиқ молиявий ҳисобот биринчи марта эълон қилингунга қадар, лекин давлат рўйхатидан ўтиб юридик шахс ҳуқуқини олган кундан бошлаб 90 кундан кечиктирмай

расмийлаштиради. Субъект танлаб олган ҳисоб сиёсати юридик шахс ҳуқуқини олган (давлат рўйхатидан ўтган) кундан бошлаб қўлланиш мумкин бўлган сиёсат ҳисобланади.” Жамият ўзининг 2021 йил учун тасдиқланган ҳисоб сиёсатига эга эмас.

**Тавсия:**

*1. Ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш.*

## БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲОЛАТИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ

### *Бошлангич колдиқлар таҳлили*

2021 йилда бухгалтерия хисоботи БИС бухгалтерия дастурида юритилган.

2021 йил 1-январ ҳолатига топширилган баланс бошланғич сальдоларининг 2020 йил 31 декабрь ҳолатига топширилган баланс суммалари билан солиштирма таҳлили:

*Минг сўм*

| Бухгалтерский баланс - форма № 1 | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **Кўрсаткичлар номи** | **Сатр коди** | **31.12.2020 баланс маълумоти** | **01.01.2021 баланс маълумоти** | ***Фарқлар*** |
| 1 | 2 | | 4 | |
| **Актив** | | | | |
| **I. Узоқ муддатли активлар** | | | | |
| ***Асосий воситалар*** | | | | |
| Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300) | 10 | 21 565 992.00 | 21 565 992.00 | 0.00 |
| Эскириш суммаси (0200) | 11 | 12 981 637.00 | 12 981 637.00 | 0.00 |
| қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011) | 12 | 8 584 355.00 | 8 584 355.00 | 0.00 |
| ***Номоддий активлар:*** | | | | |
| Бошланғич қиймати (0400) | 20 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Амортизация суммаси (0500) | 21 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 020 - 021) | 22 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Узоқ муддатли инвестициялар, жами (сатр.040+050+060+070+080), шу жумладан: | 30 | 471.00 | 471.00 | 0.00 |
| Қимматли қоғозлар (0610) | 40 | 471.00 | 471.00 | 0.00 |
| Шўъба хўжалик Корхоналарига инвестициялар (0620) | 50 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| қарам хўжалик Корхоналарига инвестициялар (0630) | 60 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640) | 70 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690) | 80 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700) | 90 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Капитал қўйилмалар (0800) | 100 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910, 0920, 0930, 0940) | 110 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (0950, 0960, 0990) | 120 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| ***I бўлим бўйича жами (сатр. 012+022+030+090+100+110+120)*** | 130 | 8 584 826.00 | 8 584 826.00 | 0.00 |
| **II. Жорий активлар** | | | | |
| Товар-моддий захиралари, жами (сатр.150+160+170+180), шу жумладан: | 140 | 7 178 699.00 | 7 634 520.00 | -455 821.00 |
| Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600) | 150 | 6 886 893.00 | 7 342 714.00 | -455 821.00 |
| Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700) | 160 | 291 806.00 | 291 806.00 | 0.00 |
| Тайёр маҳсулот (2800) | 170 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси) | 180 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Келгуси давр харажатлари (3100) | 190 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Кечиктирилган харажатлар (3200) | 200 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Дебиторлар, жами (сатр.220+240+250+260+270+280+290+300+310) | 210 | 23 040 534.00 | 22 584 713.00 | 455 821.00 |
| шундан: муддати ўтган | 211 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси) | 220 | 1 876 270.00 | 1 876 270.00 | 0.00 |
| Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110) | 230 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Шўъба ва қарам хўжалик Корхоналарнинг қарзи (4120) | 240 | 19 343 919.00 | 18 888 098.00 | 455 821.00 |
| Ходимларга берилган бўнаклар (4200) | 250 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар (4300) | 260 | 1 590 063.00 | 1 590 063.00 | 0.00 |
| Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (4400) | 270 | 170 464.00 | 170 464.00 | 0.00 |
| Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари (4500) | 280 | 6 628.00 | 6 628.00 | 0.00 |
| Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600) | 290 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700) | 300 | 13 865.00 | 13 865.00 | 0.00 |
| Бошқа дебиторлик қарзлари (4800) | 310 | 39 325.00 | 39 325.00 | 0.00 |
| Пул маблағлари, жами (сатр.330+340+350+360), шу жумладан: | 320 | 333 979.00 | 333 979.00 | 0.00 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Кассадаги пул маблағлари (5000) | 330 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100) | 340 | 801.00 | 801.00 | 0.00 |
| Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200) | 350 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700) | 360 | 333 178.00 | 333 178.00 | 0.00 |
| Қисқа муддатли инвестициялар (5800) | 370 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Бошқа жорий активлар (5900) | 380 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| II бўлим бўйича жами (сатр.140+190+200+210+320+370+380) | 390 | 30 553 212.00 | 30 553 212.00 | 0.00 |
| Баланс активи бўйича жами (сатр.130+390) | 400 | 39 138 038.00 | 39 138 038.00 | 0.00 |
| **Пассив** | | | | |
| **I. Ўз маблағлари манбалари** | | | | |
| Устав капитали (8300) | 410 | 2 178 120.00 | 2 178 120.00 | 0.00 |
| Қўшилган капитал (8400) | 420 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Резерв капитали (8500) | 430 | 4 683 612.00 | 4 683 612.00 | 0.00 |
| Сотиб олинган хусусий акциялар (8600) | 440 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700) | 450 | 11 416 253.00 | 11 416 253.00 | 0.00 |
| Мақсадли тушумлар (8800) | 460 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900) | 470 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| I бўлим бўйича жами (сатр.410+420+430-440+450+460+470) | 480 | 18 277 985.00 | 18 277 985.00 | 0.00 |
| **II. Мажбуриятлар** | | | | |
| Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр.500+520+530+540+550+560+570+580+590) | 490 | 7 269 420.00 | 7 269 420.00 | 0.00 |
| шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (сатр.500+520+540+560+590) | 491 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарз (7000) | 500 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110) | 510 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Шўъба ва қарам хўжалик Корхоналарга узоқ муддатли қарз (7120) | 520 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар (7210, 7220, 7230) | 530 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240) | 540 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250, 7290) | 550 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар (7300) | 560 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Узоқ муддатли банк кредитлари (7810) | 570 | 0.00 | 1 628 003.00 | -1 628 003.00 |
| Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840) | 580 | 7 269 420.00 | 5 641 417.00 | 1 628 003.00 |
| Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлар (7900) | 590 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Жорий мажбуриятлар, жами (сатр.610+630+640+650+660+670+680+690+700++710+720+730+740+750+760) | 600 | 13 590 633.00 | 13 590 633.00 | 0.00 |
| шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари (сатр.610+630+650+670+680+690+700+710+720+760) | 601 | 13 590 633.00 | 13 590 633.00 | 0.00 |
| шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари | 602 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000) | 610 | 2 200 988.00 | 2 200 988.00 | 0.00 |
| Ажратилган бўлинмаларга қарз (6110) | 620 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Шўъба ва қарам хўжалик Корхоналарга қарз (6120) | 630 | 2 641 981.00 | 2 641 981.00 | 0.00 |
| Кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230) | 640 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240) | 650 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (6250, 6290) | 660 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Олинган бўнаклар (6300) | 670 | 2 440 981.00 | 2 440 981.00 | 0.00 |
| Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400) | 680 | 660 524.00 | 660 524.00 | 0.00 |
| Суғурталар бўйича қарз (6510) | 690 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520) | 700 | 1 477 815.00 | 1 477 815.00 | 0.00 |
| Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600) | 710 | 1 171 048.00 | 1 171 048.00 | 0.00 |
| Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700) | 720 | 2 690 433.00 | 2 690 433.00 | 0.00 |
| Қисқа муддатли банк кредитлари (6810) | 730 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840) | 740 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950) | 750 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900) | 760 | 306 863.00 | 306 863.00 | 0.00 |
| II бўлим бўйича жами (сатр.490+600) | 770 | 20 860 053.00 | 20 860 053.00 | 0.00 |
| Баланс пассиви бўйича жами (сатр.480+770) | 780 | 39 138 038.00 | 39 138 038.00 | 0.00 |

2020 йил учун топширилган баланс кўрсаткичлари ва 2021 йил учун топширилган баланс кўрсаткичлари ҳисобот даври бошига кўрсаткичлари фарқ қилади.

### *Хусусий капитал ҳисоби аудити*

Ҳисоб регистрлари маълумотларига кўра 2021 йил 1 январь ва 31 декабрь ҳолатида хусусий капитал таркиби қуйидагича бўлган:

| *Қатор номи* | *Қатор коди* | *01.01.2021 ҳолатида* | *31.12.2021 ҳолатида* |
|---|---|---|---|
| Устав капитали (8300) | 410 | 2 178 120 | 2 178 120 |
| Қўшилган капитал (8400) | 420 | 0 | 0 |
| Резерв капитали (8500) | 430 | 4 683 612 | 7 550 036 |
| Сотиб олинган хусусий акциялар (8600) | 440 | 0 | 0 |
| Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700) | 450 | 11 416 253 | 23 409 223 |
| Мақсадли тушумлар (8800) | 460 | 0 | 0 |
| Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900) | 470 | 0 | 3 574 509 |
| ***Жами*** | | ***18 277 985*** | ***36 711 888*** |

Балансниҳг хусусий капитал булими элементларининг бухгалтерия баланси ва ҳисоб регистрлари маълумотлари солиштирма таҳлили:

| *Қатор номи* | *Қатор коди* | *Айланма сальдоли ведомость* | *Баланс* | *Фарқ* |
|---|---|---|---|---|
| Устав капитали (8300) | 410 | 2 178 120 | 2 178 120 | 0 |
| Қўшилган капитал (8400) | 420 | 0 | 0 | 0 |
| Резерв капитали (8500) | 430 | 7 550 036 | 7 550 036 | -0 |
| Сотиб олинган хусусий акциялар (8600) | 440 | 0 | 0 | 0 |
| Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700) | 450 | 23 409 223 | 23 409 223 | -0 |
| Мақсадли тушумлар (8800) | 460 | 0 | 0 | 0 |
| Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900) | 470 | 3 574 509 | 3 574 509 | -0 |
| ***Жами*** | | ***36 711 887*** | ***36 711 888*** | ***-1*** |

Жамият устав капиталига 2021 йилда ўзгартириш киритилмаган.

Жамият баланс 430 сатр Резерв капиталида ўзгариш кузатилган. Асосий восита ҳисобдан чиқарилиш муносабати билан улар бўйича шаклланган резерв суммаси ҳам ҳисобдан чиқарилган. Шунингдек тақсимланмаган фойда ҳисобидадан резерв фондига ажратмалар қилинган.

Баланс 450 сатри Тақсимланмаган фойдада ўзгариш жорий йилнинг соф фойдаси, акционерлар ўртасида тақсимланган дивиденд, акционерлар йиғилиши якуни бўйича ходимларга берилган мукофот суммалари ҳисобига шаклланган.

### *Асосий воситалар ҳисоби аудити*

Жамиятда асосий воситаларнинг асосий воситаларнинг ҳисоби БИС Бухгалтерия дастурида амалга оширилади.

Ҳисоб регистрлари маълумотларига кўра 2021 йил 1 январь ва 31 декабрь ҳолатида Жамият асосий воситалари таркиби қуйидаги қаторлардан иборат бўлган:

| *Қатор номи* | *Қатор коди* | *01.01.2021 ҳолатида* | *31.12.2021 ҳолатида* |
|---|---|---|---|
| Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300) | 010 | 21 565 992 | 24 804 508 |
| Эскириш суммаси (0200) | 011 | 12 981 637 | 15 012 438 |
| *Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011)* | *012* | *8 584 355* | *9 792 070* |

Балансниҳг асосий воситалар бўлими элементларининг бухгалтерия баланси ва ҳисоб регистрлари маълумотлари солиштирма таҳлили:

| *Қатор номи* | *Қатор коди* | *Айланма сальдоли ведомость* | *Баланс* | *Фарқ* |
|---|---|---|---|---|
| Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300) | 010 | 24 804 508 | 24 804 508 | 0 |
| Эскириш суммаси (0200) | 011 | 15 012 438 | 15 012 438 | 0 |
| *Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011)* | *012* | 9 792 070 | 9 792 070 | 0 |

Жамият кўчмас мулк обьекти бинога нисбатан 5% амортизация нормалари қўллаган.

***Солиқ кодекси 306-модда. Амортизация харажатлари***

Солиқ солиш мақсадлари учун ҳар бир кичик гуруҳ бўйича амортизация ажратмалари амортизация нормасини қўллаш орқали, бироқ ушбу Кодексда белгиланган чекланган нормадан кўп бўлмаган тарзда ҳисобланади.

| **ақами** | **Кичик гуруҳлар тартиб рақами** | **Асосий воситаларнинг номи** | **Амортизациянинг йиллик энг юқори нормаси, фоизларда** |
|---|---|---|---|
| I | | **Бинолар, иморатлар ва иншоотлар** | |
| | 1 | Бинолар, иморатлар | 3 |

Солиқ солиш мақсадларида амортизацияни ушбу моддада белгиланганидан пастроқ нормалар бўйича ҳисоблашга, агар бу солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсатида мустаҳкамлаб қўйилган бўлса, йўл қўйилади.

Яъни жамият солиқ солиш мақсадида норма(солиқ кодексидаги)дан ортиқча амортизация харажатларини ҳисоблаган. Бу ўз навбатида фойда солиғи ҳисоб китобида солиқ солинадиган базани нотўғри шакллантиришга олиб келади.

***Узоқ муддатли инвестициялар***

Ўзоқ муддатли инвестицияларнинг 2021 йил 31 декабрь ҳолатида баланс ва ҳисоб регистрлари маълумотлари солиштирма таҳлили:

| *Қатор номи* | *Қатор коди* | *01.01.2021 ҳолатида* | *31.12.2021 ҳолатида* |
|---|---|---|---|
| Қимматли қоғозлар (0610) | 040 | 471.00 | 471.00 |
| Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620) | 050 | 0.00 | 0.00 |
| қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630) | 060 | 0.00 | 0.00 |
| Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640) | 070 | 0.00 | 0.00 |
| Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690) | 080 | 0.00 | 0.00 |
| Қисқа муддатли инвестициялар (5800) | 370 | 0.00 | 0.00 |
| ***Жами*** | | ***471.00*** | ***471.00*** |

Узоқ муддатли инвестицияларнинг 2021 йил 31 декабрь ҳолатида баланс ва ҳисоб регистрлари маълумотлари солиштирма таҳлили:

| *Қатор номи* | *Қатор коди* | *Айланма сальдоли ведомость* | *Баланс* | *Фарқ* |
|---|---|---|---|---|
| Қимматли қоғозлар (0610) | 040 | 471.01 | 471.00 | 0.01 |
| Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620) | 050 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630) | 060 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640) | 070 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690) | 080 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Қисқа муддатли инвестициялар (5800) | 370 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| ***Жами*** | | ***471.01*** | ***471.00*** | ***0.01*** |

Жамият молиявий ҳисоботларида ҳисобот даври мобайнида узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби таркибида ўзгариш кузатилмаган.

Давр бошига мавжуд бўлган инвестициялар миқдори давр якунида ҳам сақланиб қолган.

Узоқ муддатли қимматли инвестицилар бўйича тасдиқловчи хужжатлар аудитга тақдим қилинмади.

### *Товар моддий бойликларини хисоби аудити*

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2021 йил 1 январь ва 31 декабрь ҳолатида материал қолдиқлари қуйидагича бўлган:

| *Қатор номи* | *Қатор коди* | *01.01.2021 ҳолатида* | *31.12.2021 ҳолатида* |
|---|---|---|---|
| Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600) | 150 | 7 342 714 | 6 310 964 |
| Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700) | 160 | 291 806 | 12 762 |
| Тайёр маҳсулот (2800) | 170 | 0 | 0 |
| Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси) | 180 | 0 | 0 |
| ***Жами*** | | ***7 634 520*** | ***6 323 726*** |

Материалларнинг 2021 йил 31 декабрь ҳолатида баланс ва ҳисоб регистрлари маълумотлари солиштирма таҳлили:

| *Қатор номи* | *Қатор коди* | *Айланма сальдоли ведомость* | *Баланс* | *Фарқ* |
|---|---|---|---|---|
| Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600) | 150 | 6 310 964 | 6 310 964 | 0 |
| Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700) | 160 | 12 762 | 12 762 | -0 |
| Тайёр маҳсулот (2800) | 170 | 0 | 0 | 0 |
| Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси) | 180 | 0 | 0 | 0 |
| ***Жами*** | | ***6 323 726*** | ***6 323 726*** | ***-0*** |

Жамиятда моддий жавобгар шахс билан моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома имзоланган.

Материалларнинг 2021 йил учун счетлар кесимидаги оборотлари таҳлили:

| **Счет** | **Счет номи** | **01.01.2021** | **Дебет** | **Кредит** | **31.12.2021** |
|---|---|---|---|---|---|
| 1010 | Сырье и материалы | 6 887 064 332.68 | 71 400541306.02 | 72 858091819.51 | 5 429403819.38 |
| 1030 | Топливо | 343 477 256.00 | 6 420 744 719.48 | 6 572 517 283.78 | 191 704 691.70 |
| 1040 | Запасные части | 23 886 978.36 | 966 938 441.92 | 962 573 566.58 | 28 251 853.70 |
| 1060 | Тара и тарные материалы | 83 443 904.49 | 359 981 108.70 | 420 317 750.57 | 23 107 262.62 |
| 1080 | Инвентарь и хоз. принадлежности | 4 842 070.00 | 9 112 638 603.90 | 8 478 984 257.04 | 638 496 416.86 |
| 1090 | Прочие материалы | 0 | 93 635 522.56 | 93 635 522.56 | 0 |

1030 счетида жамият ёқилғи мойлаш материаллари ҳисоби юритилган. Ҳисобот даврида боши ва охирида ёқилғи мойлаш маҳсулотлари бўйича қолдиқ мавжуд.

1040 счетида кейинчалик иш хизматлар кўрсатишда фойдаланиладиган эхтиёт қисмлар юритилган.

Жамият фаолияти учун ишлатидаган аксарият материаллар ҳисоби 1010 счетида акс эттирилган.

Товар моддий захиралари тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузилган моддий жавобгар шахслар кесимида ҳисобга олиб борилади.

### *Пул маблағлари ҳисоби аудити*

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2021 йил 1 январь ва 31 декабрь ҳолатида пул маблағлари қолдиқлари қуйидагича бўлган:

| *Қатор номи* | *Қатор коди* | *01.01.2021 ҳолатида* | *31.12.2021 ҳолатида* |
|---|---|---|---|
| Кассадаги пул маблағлари (5000) | 330 | 0 | 0 |
| Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100) | 340 | 801 | 2 140 |
| Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200) | 350 | 0 | 0 |
| Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700) | 360 | 333 178 | 353 338 |
| ***Жами*** | | ***333 979*** | ***355 478*** |

Пул маблағларининг 2021 йил 31 декабрь ҳолатида баланс ва ҳисоб регистрлари маълумотлари солиштирма таҳлили:

| *Қатор номи* | *Қатор коди* | *Айланма сальдоли ведомость* | *Баланс* | *Фарқ* |
|---|---|---|---|---|
| Кассадаги пул маблағлари (5000) | 330 | 0 | 0 | 0 |
| Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100) | 340 | 2 140 | 2 140 | 0 |
| Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200) | 350 | 0 | 0 | 0 |
| Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700) | 360 | 353 338 | 353 338 | 0 |
| ***Жами*** | | ***355 478*** | ***355 478*** | ***0*** |

Жамиятда накд пул билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун алоҳида хона мавжуд. Барча маблағлар тегишли тартибда жиҳозланган сейфда сақланади. Накд пуллар кирими касса кирим ордерларига асосан, чиқими касса чиқим ордерларига асосан амалга оширилади. Кирим ва чиқим ордерлари тегишли тартибда расмийлаштирилган.

Жамият қуйидаги ҳисобрақамларга эга.

| | Банк счети | Банк коди | Банк номи | Бухгалтерия счети | Бухгалтерия дастурида счет номи | Счет валюта |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 20210000100124960888 | 00399 | УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ" | 5536 | Возмещение по пенсиям и б/л | сум |
| 2 | 20210000500124960001 | 00399 | УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ" | 5110 | Расчетный счет | сум |
| 3 | 23202000600124960001 | 00399 | УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ" | 5535 | Прочие спецсчета счет 22626 | сум |
| 4 | 23106000700124960500 | 00399 | УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ" | - | | сум |
| 5 | 23106000700124960300 | 00399 | УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ" | - | | сум |
| 6 | 22614840500124960001 | 00399 | УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ" | 5210 | Валютные счета внутри страны | АҚШ доллари |
| 7 | 22604000400124960002 | 00399 | УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ" | 5534 | Прочие спецсчета счет 22604 | сум |

| *01.01.2021 ҳолатида қолдиқ* | *Йил учун жами дебет айланма* | *Йил учун жами кредит айланма* | *31.12.2021 ҳолатида қолдиқ* | *Тавсиф* |
|---|---|---|---|---|
| 0.00 | 8 244 076.50 | 8 244 076.50 | 0.00 | пенсия |
| 800 589.01 | 73 420 583 635.69 | 73 421 923 127.53 | 2 140 080.85 | основной |
| 0.00 | 7 258 668 000.00 | 7 258 668 000.00 | 0.00 | вторч |
| | 43 334 938 146.00 | 43 334 938 146.00 | | зарплата |
| | 306 038 418.00 | 306 038 418.00 | | зарплата |
| 0.00 | 42 360.00 | 42 360.00 | 0.00 | валюта доллар |
| 35 931 383.96 | 201 506 462 963.88 | 201 823 869 994.46 | 353 338 414.54 | вторич |
| | 14 000 000 000.00 | 15 000 000 000.00 | 1 000 000 000.00 | |

Аудитга тақдим қилинган барча банк кўчирмалари ойлик асосда алоҳида папкаларда хронологик тарзда тикилган Банк кўчирмалари программада банкдан олинган электрон маълумотлар асосида амалга оширилади.

Банк счети операциялари танлов асосида текширилди ва бухгалтерия маълумотлари ва банк кўчирмаси маълумотлари орасида фарқлар аниқланмади.

2021 йил давомида мамлакат ҳудудида хизмат сафарлари амалга оширилган. Хизмат сафари бўйича суткалик харажатлар низомга асосан норма доирасида ҳисобланган ва тўлаб берилган.

Жамиятда хўжалик эхтиёжлари учун зарур бўлган моддий бойликлар харид қилиш мақсадида корпоратив карточка очилган.

| | *Банк счети* | *Банк коди* | *Счет валюта* | *01.01.2021 ҳолатида қолдиқ* | *Йил учун жами дебет айланма* | *Йил учун жами кредит айланма* | *31.12.2021 ҳолатида қолдиқ* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 6 | 23102000700124960500 | 00399 | сум | | 1 864 043 056.31 | 1 864 043 056.31 | |
| 7 | 22620000900124960514 | 00399 | сум | | 155 700 000.00 | 155 700 000.00 | |
| 8 | 22620000900124960506 | 00399 | сум | | 177 008 208.00 | 177 000 000.00 | |
| 9 | 22620000900124960505 | 00399 | сум | 241 169.00 | 92 741 169.00 | 92 500 000.00 | |
| 10 | 22620000800124960513 | 00399 | сум | | 45 500 000.00 | 45 500 000.00 | |
| 11 | 22620000700124960512 | 00399 | сум | | 115 000 000.00 | 120 000 000.00 | 5 000 000.00 |
| 12 | 22620000700124960504 | 00399 | сум | 1 019 200.00 | 227 005 800.00 | 229 430 000.00 | 3 443 400.00 |
| 13 | 22620000600124960511 | 00399 | сум | 0.00 | 261 600 000.00 | 261 600 000.00 | 0.00 |
| 14 | 22620000500124960510 | 00399 | сум | 3 381 000.00 | 148 343 200.00 | 145 000 000.00 | 37 800.00 |
| 15 | 22620000500124960503 | 00399 | сум | 600 200.00 | 186 591 200.00 | 194 000 000.00 | 8 009 000.00 |
| 16 | 22620000300124960502 | 00399 | сум | 5 001 000.00 | 126 501 000.00 | 121 500 000.00 | 0.00 |
| 17 | 22620000000124960515 | 00399 | сум | 0.00 | 15 000 000.00 | 15 000 000.00 | 0.00 |
| 18 | 22620000000124960500 | 00399 | сум | 10 000.00 | 147 010 000.00 | 147 000 000.00 | |

2021-йилда жамият корпоратив карточка билан хўжалик операциялари амалга оширган.

### *Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳисоби аудити*

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2021 йил 1 январь ва 31 декабрь ҳолатида дебитор қарзлар қолдиқлари қуйидагича бўлган:

| *Қатор номи* | *Қатор коди* | *01.01.2021 ҳолатида* | *31.12.2021 ҳолатида* |
|---|---|---|---|
| Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси) | 220 | 1 876 270 | 26 726 634 |
| Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110) | 230 | 0 | 0 |
| Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120) | 240 | 18 888 098 | 0 |
| Ходимларга берилган бўнаклар (4200) | 250 | 0 | 0 |
| Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар (4300) | 260 | 1 590 063 | 10 736 962 |
| Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (4400) | 270 | 170 464 | 1 214 204 |
| Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари (4500) | 280 | 6 628 | 0 |
| Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600) | 290 | 0 | 0 |
| Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700) | 300 | 13 865 | 10 694 |
| Бошқа дебиторлик қарзлари (4800) | 310 | 39 325 | 62 888 |
| ***Жами*** | | **22 584 713** | **38 751 382** |

Дебитор қарзларнинг 2021 йил 31 декабрь ҳолатида баланс ва ҳисоб регистрлари маълумотлари солиштирма таҳлили:

| *Қатор номи* | *Қатор коди* | *Айланма сальдоли ведомость* | *Баланс* | *Фарқ* |
|---|---|---|---|---|
| Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси) | 220 | 26 726 634 | 26 726 634 | -0 |
| Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110) | 230 | 0 | 0 | 0 |
| Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120) | 240 | 0 | 0 | 0 |
| Ходимларга берилган бўнаклар (4200) | 250 | 0 | 0 | 0 |
| Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар (4300) | 260 | 10 736 962 | 10 736 962 | 0 |
| Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (4400) | 270 | 1 214 204 | 1 214 204 | -0 |
| Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари (4500) | 280 | 0 | 0 | 0 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600) | 290 | 0 | 0 | 0 |
| Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700) | 300 | 10 694 | 10 694 | -0 |
| Бошқа дебиторлик қарзлари (4800) | 310 | 62 888 | 62 888 | 0 |
| ***Жами*** | | ***38 751 382*** | ***38 751 382*** | ***-0*** |

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2021 йил 31 декабрь ҳолатида дебитор қарзларининг умумий суммаси 38 751 382.0 минг сўмни ташкил қилган ва бу сумма айланма салдоли ведомост маълумотлари билан мос келади. Жамият кўрсатилган хизматлар бўйича харидор ва буюртмачиларнинг қарзларини баланс сатрида 220 ва 240 сатрларида бўлиб акс эттирган.  Айланма сальдоли ведомость маълумотларида буюртмасиларнинг қарзларини қўшимча маълумот шакллантириш учун бўлиш(4010,4120,4130, счетларида юритишш) ички ҳужжатлар учун қулай бўлсада, лекин баланс кўрсаткичларида уларнинг барчаси харидор ва буюртмачиларнинг қарзлари сифатида таснифланиши керак.

4700 счетнинг субсчетларида турли операциялар бўйича ходимларнинг қарзлари акс эттирилган.Ушбу дебиторлик қарзларини ҳам ундириш чораларини кўриш ёки харажат сифатида ҳисобдан чиқариш тавсия этилади. Аудит агар ундириш имкони бўлмаган тақдирда СК 376 моддасига асосан жисмоний шахс даромади сифатида тан олиб ушбу суммадан даромад солиғини ушлаб қолиб бюджетга тўлаб беришни тавсия қилади.

4800 счетида турли операциялар бўйича дебитор ва кредитор қарз суммалари акс эттирилган. Хусусан бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан ҳисоб китоблар, бошқа активлар чиқиб кетиши бўйича ҳисоб китоблар юритилган. Шунингдек 2021йилда банкка қўйилган депозит маблағлар бўйича олинган фоиз кўринишидаги даромадлар ҳам 4800 счетда ҳисоби юритилган.

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2021 йил 1 январь ва 31 декабрь ҳолатида кредитор қарзлар қолдиқлари қуйидагича бўлган:

| ***Қатор номи*** | ***Қатор коди*** | ***01.01.2021 ҳолатида*** | ***31.12.2021 ҳолатида*** |
|---|---|---|---|
